



Халқ сўзи

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



WWW.XS.UZ



E-mail: Info@xs.uz



2026 йил 25 август, № 174 (9345)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БУХОРОДАГИ ҚАДАМЖОЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 23-24 август кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 24 август куни рафиқаси билан бирга Бухоро шахрига келди.

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кутиб олди.

Тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди, миллий кўшиқ ва рақслар ижро этилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев рафиқалари ҳамроҳлигида Бухоронинг жаҳонга машхур тарихий обидалари — Сомониёлар мақбараси, Арк кўргони, Пойи Калон ва Лаби Ҳовуз мажмуалари, Қўқалдош мадрасасини зиёрат қилдилар.

Олий мартабали меҳмонларга ушбу ноёб обидаларнинг тарихи, меъморий хусусиятлари ҳамда Шарқда илм-фан, маданият ва шаҳарсозлик ривожидagi аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ташриф Исмоил Сомоний томонидан барпо этилган Сомониёлар мақбарасидан бошланди. Ушбу обида 1993 йилда ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Шундан сўнг етакчилар кўп асрлар давомида Бухоронинг сиёсий ва маъмурий маркази бўлиб келган қадимий Арк қалъасига ташриф буюрдилар. Археологик ва тарихий маълумотларга кўра, қалъа узоқ давр мобайнида шаклланиб келган ва яқин ўтмишдан бошлаб Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи вазифасини бажарган. Бугунги кунда Арк шаҳарнинг энг маш-

хур обидаларидан бири ва Бухоро тарихий марказининг муҳим қисми ҳисобланади.

Пойи Калон мажмуаси — Марказий Осиёнинг энг салобатли меъморий мажмуаларидан бири. 1127 йилда бунёд этилган машхур Калон минораси мажмуанинг энг эътиборли иншооти бўлиб, асрлар давомида нафақат Бухоро меъморчилиги намунаси, балки шаҳарнинг ҳақиқий “ташриф қоғози” бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ансамбл таркибига XVI аср бошларига оид Калон масжиди ва Мир Араб мадрасаси ҳам қиради. Ушбу мажмуа ҳақли равишда Шайбонийлар давридаги тарихий Бухоронинг дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Олий мартабали меҳмонларда Лаби Ҳовуз мажмуаси ҳам катта таассурот қолдирди. У қадимий ҳовуз атрофида қурилган ва эски Бухородаги энг машхур жамоат масканларидан бири ҳисобланади.

Бу ерда Қўқалдош мадрасаси, Нодир Девонбеги мадрасаси ва хонақоҳи жойлашган. Шаҳарнинг ушбу гўшаси асрлар давомида аҳоли, сайёҳлар ва илм аҳлини ўзига жалб қилувчи маскан бўлиб келган ҳамда ўрта асрлардаги Бухоронинг бетакрор муҳитини бугунги кунгача сақлаб қолган.

Ташриф давомида халқ ҳунармандчилиги намуналари ҳамда тарихий обидаларга туширилган бадиий безакларнинг хусусиятлари ҳам намойиш этилди.

Озарбайжонлик меҳмонларга Бухоронинг Буюк Ипак йўлидаги ислом цивилизациясининг энг йирик илм-фан, таълим ва савдо марказ-

ларидан бири сифатидаги кўп асрлик тарихи ҳақида сўзлаб берилди.

Шу билан Озарбайжон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасидаги тадбирлар якунланди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев озарбайжонлик ҳамкасби билан тор доирада учрашув ва Олий давлатлараро кенгашнинг учинчи йиғилишини ўтказди. Абадий дўстлик тўғрисидаги тарихий шартнома ва салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди, қатор қўшма лойиҳаларга старт берилди. Етакчилар икки мамлакатнинг олий давлат муқофотлари билан тақдирландилар.

Ташриф доирасида Озарбайжон Президенти Янги Тошкент лойиҳаси билан танишди. Давлат раҳбарлари Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университетининг янги кампусини очиб ва Янги Тошкентда “Озарбайжон” боғини барпо этиш ишларини бошлаш маросимларида иштирок этдилар.

Олий мартабали меҳмонларга Бухоро вилоятининг рақамлаштириш, енгил ва электротехника саноати каби соҳалардаги салоҳияти ҳақида маълумот берилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бухородаги Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Тадбирлар тугагач Бухоро халқаро аэропортида Президент Илҳом Алиев ва рафиқасини Президент Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси кузатиб қўйди.

Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ ҚУРУЛТОЙГА САЙЛОВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 август куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини мамлакат тарихида илк мартаба бир палатали Қурултойга сайлов муваффақиятли ўтказилгани билан самимий табриклади.

Янги Қурултой Қозоғистонда изчил ислохотларни янада илгари суришда муҳим омил бўлиши, кенг қўлмалли ўзгаришларни қонунчилик жиҳатидан самарали таъминлаши ва мамлакатнинг барқарор ривожланишига янги суръат бағишлашига ишонч билдирилди.

Сўхбат давомида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари

жадал ривожланиб бораётганини намунуният билан қайд этдилар.

Ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш, саноат кооперациясини ривожлантириш, қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, транспорт-логистика алоқаларини ривожлантириш ҳамда икки мамлакат худудлари ўртасида ишбилармонлик алоқаларини фаоллаштириш учун янги имкониятлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб мавзулар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

ЎЗА.

Янги ўқув йили олдидан

БОЛАЖОНЛАРГА УНУТИЛМАС ТУҲФА

1-синф ўқувчилари учун Президент совғалари худудларга етказиб берилмоқда

Ёзги таътил тугаб, мактабларда янги ўқув йили бошланишига ҳам санокли кунлар қолди. Севишли мактаби кучогини соғинган ўғил-қизлар жорий йилнинг 2 сентябрь санасини интиқ-интизор кутаётгани аниқ, Чунки шу куни мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги — 2026/2027 ўқув йили бошланади.

Айниқса, бу йил биринчи синфга қадам қўядиган болажонлар айни кунларни катта ҳаяжон билан ўтказаётгани ҳақиқат. Уларни таълим муассасаларида меҳрибон ўқитувчилари, бўлғуси синфдошлари ва янада қувонч улашадигани — Президент совғаси кутмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги маълумотига кўра, жорий ўқув йилида мамлакатимиз бўйлаб 795 мингдан ортиқ ўқувчилар 1-синфга қабул қилинади. Уларга 12 номдаги ўқув қуролларидан иборат Президент совғаси мактабларда тантанали топширилади. Ундан ўқув сумкаси, 12 та дафтар, ручка, 2 та оддий қалам, рангли қаламлар тўплами, рангли қоғоз, пластилин, расм дафтари, 2 та ўчиргич, рангли акварель бўёқлари, елим ва қаламдон ўрин олган.

Айни кунларда юртимизнинг барча

худудларидаги таълим даргоҳларига ушбу совғалар етказиб берилмоқда.

Хусусан, янги ўқув йилида Тошкент вилоятидаги 874 та умумий ўрта таълим мактаби ҳамда 56 та нодавлат таълим ташкилотида 2019 йилда туғилган 61 минг 706 нафар боланинг 1-синфга қабул қилиниши режалаштирилган.

Шу муносабат билан илк бор мактаб оstonасига қадам қўядиган болажонлар учун тайёрланган Президент совғаси тўпламлари вилоятга етказиб берилди.

Таъкидлаш жоизки, 1-синфга қабул қилинаётган ҳар бир болани Президент совғаси билан ўз вақтида таъминлаш мақсадида вазирликнинг “adm.maktab.uz” электрон платформаси орқали мактаблар бўйича ўқувчиларнинг номма-ном рўйхати шакллантирилган. Мазкур тизим совғаларни манзилли ва тизимли равишда етказиб бериш, ҳар бир болани зарур ўқув қуроллари билан таъминлаш имконини беради.

Президент совғаси болажонларнинг мактабдаги илк кўнида кўтарикни кайфият бағишлаб, уларни билим олишга рағбатлантиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».

Давлат дастури ижроси:

ЯРИМ ЙИЛЛИК НАТИЖАЛАР САРҲИСОБИ

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибидан ўрин олиши кутилаётган масалалар, жумладан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастурининг 2026 йил биринчи ярмидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Фракциялар ҳаёти

Барқарор иқтисодий ўсиш — аҳоли фаровонлиги омили

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, давлат дастурининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишида амалга оширилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратди.

Ушбу йўналишдаги устувор мақсадларга эришиш бўйича қўрилган зарур чора-тадбирлар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиш суръати 8,5 фоиз бўлган, жумладан, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш — 8,0, қурилиш ишлари — 13,7, хизматлар кўрсатиши — 9,2, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш 4,7 фоиз ортган.

Экспорт ҳажми илк бор 15,9 млрд. АҚШ долларига етган. Иқтисодиётга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 28,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 134 фоиз ўсган.

Фракция азёолари ушбу натижалар Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз



мизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, даромад манбаларини кўпайтириш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган изчил ислохотларнинг амалии самараси эканини таъкидлашди.

Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш, доимий ва қатъий мониторинг олиб бориш мақсадида ҳуқуқмат томонидан барча зарур чора-тадбирлар қўрилгани қайд этилди. Хусусан, маҳаллани ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, таълим ва маданият соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилган ишлар самарадорлиги юқори баҳоланди. Бу каби ислохотлар аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириши эътироф этилди.



Факт ва рақамлар



Юртимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш йўлида

Бугунги кунда **1 миллион 200 минг нафар**дан иборат Ўзбекистон бизнес ҳамжамияти юртимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган даврда бизнес учун ажратилган кредит портфели қарийб **3 карра** ошиб, **450 триллион сўм**га етди.

Тадбиркорларимиз **650 триллион сўм**лик солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланди.

Биринчи ярим йилликда иқтисодиётимиз **8,5 фоиз**га ўсди.

Жорий йилнинг ўтган даврида кичик ва ўрта бизнесга **76,5 триллион сўм** ресурс ажратилди.

Янги Ўзбекистон – халқ манфаатлари устувор бўлган давлат

➡️ Парламентнинг куч-қудрати фақат қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, ана шу қонунлар одамлар ҳаётини қанчалик яхшилаётгани билан белгиланади.

Бугун Ўзбекистон парламентининг роли ва масъулияти тобора ортиб бормоқда. У нафақат қонунчилик билан шугулланувчи, балки халқнинг хоҳиш-истаги ва таклифларини давлат сиёсатига олиб кирувчи, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этувчи муҳим институтга айланмоқда.

Бу борада икки палатали парламент тизимига ўтилгани муҳим қадам бўлди. 2005 йилда Олий Мажлисининг Сенат ва Қонунчилик палатасидан иборат икки палатали тизимнинг жорий қилиниши ҳудудлар манфаатларини парламентда янада кенг ва тўлақонли ифода этиш имконини яратди.

Чунки Ўзбекистоннинг бир чеккасидаги муаммо мамлакатнинг бошқа бир чеккаси учун бегона эмас. Қорақалпоғистондаги оила таъшиши, Фарғонадаги тadbirkор муаммоси, Қашқадарёдаги ёшнинг орузси, Сурхондарёдаги аҳолининг талаби — буларнинг барчаси умуммиллий манфаатнинг бир қисми. Халқнинг овози давлатга қанча яқин бўлса, давлат ҳам халққа шунча яқин бўлади.

Сўнгги йиллардаги конституциявий ислохотлар парламентнинг ана шу масъулиятини янада кучайтирди. Сенатга қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибиди Олий Мажлис қўйи палатасига киритиш ҳуқуқининг берилиши эса жойларда кўтарилаётган муаммоларни қонунчилик даражасига олиб чиқиш учун янги имкониятлар яратди. Эндиликда бирор муаммони кўрганда “бу масала қонун билан тартибга солиниши керак” дейишнинг ўзи етарли эмас. Унинг ечимини топиш, зарур қонунчилик таклифларини ишлаб чиқиш ва унинг ортидан изчил бориш талаб этилади.

Биз ҳам жойларда маҳаллий Кенгашлар, депутатлар ва фаоллар билан ҳамкорликда аҳолини қийнаётган масалаларни ўрганиб, улар асосида қонунчилик таклифларини шакллантирмоқдамиз. Ўтган йилнинг ўзиди 6 та қонунчилик таклифи Қонунчилик палатасига киритилди. Айни пайтда яна ўндан ортқ таклифлар устида иш олиб боришмоқда.

Аммо бу рақамларнинг ўзи ҳеч нарсани аңглатмайди. Уларнинг бар бири ортида инсон бор. Кимдир адолатли ечим кутаётган муаммоси билан мурожаат қилган. Кимдир ўз ҳудудидаги камчиликини кўрсатган. Кимдир оиласи ёки маҳалласи ҳаётини енгилаштирадиган таклиф билдирган.

Демак, қонунчилик таклифи — шунчаки ҳужжат эмас. У халқнинг эҳтиёжини қонун тилига кўчириш, инсоннинг дардини давлат сиёсати даражасига олиб чиқшидир. Парламентнинг энг катта вазифаси ҳам шу — халқнинг овозини эшитиш, уни қонунга айлантириш ва ҳаётда иш-лашини таъминлаш.

Масъулият ва ҳамкорлик

Парламент фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши — давлат дастурлари ижросининг назоратини олиб бориш. Назорат дегани, фақат камчиликини топиш ёки масъулларга топшириқ бериш эмас. Ҳақиқий парламент назорати — муаммонини очик кўрсатиш, унинг сабабини аниқлаш ва ечимини топишда ижро ҳокимияти билан бирга ҳаракат қилиш. Шу боис сўнгги йилларда Сенат ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Сенаторлар ҳудудларга чиқиб, белгиланган вазифалар қандай бажарилаётганини ўрганаётир, муаммоларни жойида аниқламоқда. Сенат Кенгашининг сайёр мажлисларида маҳаллий ҳокимликлар, вазирилик ва идоралар вакиллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида очик муҳокамалар ўтказилмоқда.

Бу жараёнинг энг муҳим жиҳати шундаки, муаммо қоғозда эмас, жойида ўрганилмоқда ва одамлар билан юзма-юз мулоқот асосида ечим изланапти. Зеро, халқ манфаати устувор бўлган давлатда фуқаронинг овози эшитилиши керак. Муаммо кўрилиши, ўрганилиши ва албатта, ечим топилиши зарур.

Бугун мамлакатимизда кечаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини битта фикр билан ифодалаш мумкин: давлат инсон учун хизмат қилиши лозим. Бу гоё тарихий тажрибамиз, миллий қадриятларимиз ва замонавий тараққиёт талабларини бирлаштирмоқда.

Биз буюк аждодлардан илм, адолат, маърифат ва халқ хизматида бўлиш каби юксак қадриятларни мерос қилиб олганмиз. Энди ана шу меросни замонавий давлатчилик, кучли иқтисодиёт ва адолатли жамият қуриш билан уйғунлаштириш вазифаси олдимизда турибди.

Янги Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги — унинг халқи. Энг катта мақсади — халқнинг фаровонлиги. Энг катта таянчи эса — халқ ишончи. Шунинг учун бугунги ислохотларнинг ҳақиқий маъноси ҳам, келажақдаги тараққиётимизнинг асосий мезони ҳам битта: инсон қадри, халқ манфаати ва Ватан равақи.

Ҳа, бу йўл осон эмас. Аммо бу халқимиз орзу қилган, фарзандларимиз келажаги учун муносиб бўлган йўлдир.

Халқ билан мулоқотдаги самарали тизим

Кейинги йилларда маҳаллий давлат бошқаруви тизимида муҳим институционал ўзгаришлар амалга оширилди. Аввало, маҳаллий ижро ва вакиллик ҳокимияти органлари ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Илгари ҳокимлар бир вақтнинг ўзиди ҳам ижро этувчи ҳокимият раҳбари, ҳам маҳаллий Кенгаш раиси сифатида фаолият юритган бўлса, эндиликда бу амалиётдан воз кечилди. Янги тартибга кўра эндиликда маҳаллий Кенгашларга ҳокимлар эмас, депутатлар орасидан сайланган раислар раҳбарлик қилмоқда. Бу эса маҳаллий вакиллик органларининг мустақиллиги ва нуфузини ошириб, ижро ҳокимияти устидан таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатишга кенг йўл очмоқда.

Албатта, мазкур ўзгаришлар маҳаллий бошқарув тизимида ваколатлар мувозанатини таъминлаш, очиклик ва ҳисобдорликни кучайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга оид қарорларни қабул қилишда депутатлар иштирокини кенгайтириш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Натижада маҳаллий Кенгашлар аҳоли манфаатларини ифода этувчи ҳақиқий вакиллик институти сифатида фаолиятини янада самарали амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Янги жорий этилган “Маҳалла ет-

Кенгашларнинг ҳар бир қарори қонунга таянса, фуқароларнинг давлатга ишончи янада мустаҳкамланади. Шу маънода, Сенат томонидан йўлга қўйилган ҳуқуқий экспертиза ва тизимли назорат нафақат камчиликларни бартараф этишга, балки маҳаллий бошқарувда қонунийлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришга ҳисса қўшмоқда. Бу эса Янги Ўзбекистонда қонун устуворлиги тамойилининг барқарорлигига хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳада инсон манфаатлари устувор

Бугун амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилар экан, бу борада таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва маҳалла тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Президентимизи Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“барча ислохотларимиз инсон қадрини юксалтириш ва аҳоли розилигини таъминлашга хизмат қилиши керак”**.

Аслида ҳам, тараққиётнинг энг муҳим мезони — инсоннинг турмуш даражаси, унинг эртанги кунга ишончи, фарзандларининг сифатли таълим олиши, замонавий тиббий хизматдан фойдаланиши ва муносиб меҳнат шaroитига эга бўлиб, фаровон ҳаёт кечириши. Инсон капиталини ривожлантирмасдан барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди. Шу боис ҳам кейинги йилларда таълим тизими тўдан ислоҳ қилинди: барча ҳудудларда янги мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари ва олий ўқув муассасалари барпо этилди, мавжудлари замонавий талаблар асосида қайта реконструкция қилинди. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари сони кўпайди, сиртқи, чеки ва масофавий таълим шакллари жорий этилди. Бу эса минг-минглаб ёшлар учун олий маълумот олиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирди.

Мактабларда замонавий ўқув дастурлари жорий этилиб, чет тиллар ва ахборот технологияларини чуқур ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган ўқув муассасалари иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва таълим сифатини оширишда асосий омилига айланди.

Билим инсоннинг интеллектуал салоҳиятини янада самарали амалга ошириш имкониятига эга бўлди.

Янги жорий этилган “Маҳалла ет-

хотлар бир-биридан алоҳида жараёнлар эмас. Уларда узвийлик бор. Яъни таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва маҳалла тизимидаги ўзгаришлар ягона мақсад — инсон қадрини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, бу ўзгаришлар фақат статистик рақамларда эмас, одамларнинг кундалик ҳаётида, орзу-интилишларида ва келажакка бўлган ишончида ўз аксини топмоқда.

Хотин-қизлар эъзозланган жамият

Турфа тоифадаги аёллар билан учрашаман, суҳбатлашаман. Кўзларига боқиб англаганим шуки, уларнинг бахтли ҳаётга, бугуни ва эртасига ишончи баянд. Бунинг туб моҳиятида нима ётади? Жамиятнинг хотин-

“**Президентимиз ташаббуси билан яқин беш йил ичида Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси юртимизда юксак даражада ўтказилди. Мамлакатимизда БМТ билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга парламентлар эътиборини қаратиш, соҳада парламент назоратини кучайтириш масалаларига бағишланган иккита глобал форум юқори савияда ташкил этилди. Шу ва парламентлараро ҳамкорликнинг бошқа форматлари доирасидаги муҳим мулоқотлар Ўзбекистон парламент дипломатиясининг марказларидан бирига айланиб бораётганига ёрқин далилдир.**”

қизларга бўлган муносабати... Яъни аёл ўзини эркин ва ҳимояланган ҳис этди, ортида мустаҳкам таянч борлигига ишонади.

Ҳа, кейинги йилларда юртимизда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим олиши, касб эгаллаши, ишлаши, тadbirkорлик билан шугулланиши ва давлат бошқарувида фаол иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, хотин-қизлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

2019 йилда имзоланган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар қафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлар бу борада муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлди. Мазкур ҳужжатлар аёлнинг ҳуқуқини қоғозда эътироф этиш билан чекланиб қолмади. Унинг ҳаёти, қадри ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилишнинг аниқ механизмларини белгилаб берди.

2024 йилда оилавий зўравонликдан ҳимоя чораларининг кучайтирилиши ҳам бу йўлдаги муҳим қадам бўлди. Қонунчиликда илк бор “таъкиб қилиш” ва “шахвоний шилқимлик” каби тушунчалар аниқ белгилаб қўйилди. Зўравонликдан жабр кўрган инсонни ҳимоялаш, унга ҳуқуқий, психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш механизмлари янада кучайтирилди.

Ҳимоя ордерини бериш тартибининг такомиллаштирилиши ҳам хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан асрашда муҳим қафолат бўлди. Аммо аёлни ҳимоя қилиш фақат уни зўравонликдан асраш билан чекланмайди. Аёлга имконият бериш ҳам ҳимоянинг бир шаклидир.

Ўз даромадига эга бўлган, касб ўрганган, тadbirkорлик билан шугулланган, ўз меҳнатига таяниб ҳаётини қуриш имкониятига эга аёл — жамиятнинг ишончли кучи. Шу боис хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларга тadbirkорликни бошлаш учун имтиёзли кредитлар ажратилаяпти, касб-хунарга ўқитилмоқда, бандлигини таъминлаш ва ўз бизнесини йўлга қўйиши учун кўмак берилмоқда.

Маҳаллаларда эҳтиёжманд хотин-қизлар билан манзили ишлаш тизими ҳам йўлга қўйилди. Бунинг замирида битта мақсад бор — ҳеч бир аёл муаммоси билан ёлғиз қолмаслиги керак. Зеро, аёлнинг тақдири — оиланинг тақдири. Оиланинг фаровонлиги эса жамият барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ. Аёл ўзини қадрланган, ҳимояланган ва эркин ҳис қилган ҳонадонда фарзанд ҳам ишонч билан улғаяди. Аёлнинг орзу-

си ва салоҳиятига йўл очилган жамиятда эса тараққиёт янада мустаҳкам бўлади. Шу жиҳатдан, хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар фақат аёллар учун эмас, бутун жамиятнинг келажаги учундир. Бу эса Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улғулаш сиёсати ҳаётнинг ҳар бир жабҳасига изчил кириб бораётганининг муҳим ифодасидир.

Парламент дипломатиясининг юксалаётган нуфузи

Эътибор қилсак, Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган очик, прагматик ва конструктив ташқи сиёсат натижасида Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилди.

Аввало, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик алоқалари мустаҳкамланди. Ўтган йили Тошкентда бўлиб ўтган минтақа давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида Озарбайжоннинг мазкур форматга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилингани умумий тарих, қардошлик ришталари ва азаддан маънавий ҳамда маданий яқинликка эга бўлган ушбу мамлакатларнинг ягона геосиёсий ва геоиқтисодий маконда бирлашганини аңглатади.

Жумладан, мамлакатимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти каби йирик халқаро платформаларда кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларни изчил ривожлантириб бормоқда. Айни чоғда мамлакатимизнинг етакчи давлатлар — Россия, Хитой, АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Туркия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, шунингдек, Яқин Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бошқа кўплаб давлатлар, Араб дунёси билан кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли алоқалари тобора кенгаймоқда.

Ўтган йили Брюссель шахрида имзоланган Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги янги битим ушбу қитъа давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларимизнинг юқори босқичга кўтарилишида катта роль ўйнамоқда.

Сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 3 баробардан зиёд ўсиб, 81,2 млрд. долларга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳам ижобий динамика давом этиб, ярим йиллик савдо айланмаси 41 млрд. долларни ташкил этди. Шу рақамларнинг ўзийёқ қисқа давр мобайнида дунё давлатлари ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик географияси, қўлами ва мазмуни қанчалик кенгайганидан далолат беради.

Ташқи сиёсатдаги бундай фаоллик ва ижобий ўзгаришлар парламентлараро муносабатларда ҳам ўз аксини топмоқда. Албатта, бунда Президентимизнинг юксак минбарлардан туриб илгари сураётган барқарор ривожланишга эришишда дунё парламентларининг ролини оширишга қаратилган қатор глобал ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон парламентининг Парламентлараро Иттифок, ЕХҲТ Парламент Ассамблеяси, МДҲ Пар-

ламентлараро Ассамблеяси, Марказий Осиё давлатлари Парламентлараро форуми ва бошқа тузилмалардаги фаолияти кенгайди. Шу билан бирга, давлатлар ўртасида парламентлараро алоқалар ривожланди. Хорижий мамлакатлар парламентлари билан тузилган дўстлик гуруҳлари сони ўн йил давомида 25 тадан 97 тага етди.

Президентимиз ташаббуси билан яқин беш йил ичида Парламентлараро Иттифоққа аъзо давлатлар парламентлари аёл раҳбарларининг 14-саммити, Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси юртимизда юксак даражада ўтказилди. Мамлакатимизда БМТ билан ҳамкорликда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга парламентлар эътиборини қаратиш, соҳада парламент назоратини кучайтириш масалаларига бағишланган иккита глобал форум юқори савияда ташкил этилди. Шу ва парламентлараро ҳамкорликнинг бошқа форматлари доирасидаги муҳим мулоқотлар Ўзбекистон парламент дипломатиясининг марказларидан бирига айланиб бораётганига ёрқин далилдир.

Шунингдек, жорий йил 24 июлда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Президентимизи Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илгари сурилган “Ижтимоий ривожланишни жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюциянинг қабул қилиниши халқаро эътирофнинг ёрқин намунаси.

Шуниси диққатга сазоворки, жорий йилнинг 4 — 6 сентябрь кунлари Самарқанд шахрида Парламентлараро Иттифоқ Еш парламент аъзоларининг XII глобал конференцияси ўтказилиши ҳам ушбу резолюция гоёларини амалиётга татбиқ этишда муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади. Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишлаб ўтказиладиган халқаро тadbirkор кун тартибидида ушбу резолюцияда ақс этган масалалар тўлиқ қамраб олинган.

Бугунги парламент дипломатияси Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. У мамлакатимиз овозини халқаро майдонларда янада баянд янғратиш, миллий манфаатларни илгари суриш ва дунё ҳамжамияти билан ишончли мулоқотини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Парламентлараро шаклланаётган мустаҳкам ҳамкорлик халқлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва дўстликни янада кучайтириб, Ўзбекистоннинг очик, тинчликпарвар ва ишончли ҳамкор давлат сифатидаги халқаро нуфузини тобора юксалтирмоқда.

Янги тараққиёт уфқлари сари

Бугун мустақиллик гоёси қуруқ шиордан фарқли ўлароқ бевосита давлат ва жамият, энг муҳими, одамлар ҳаётида рўёбга чиқаётгани билан янада чуқурроқ мазмун касб этиб бормоқда. Зеро, гоё амалиётга татбиқ қилинсагина халқни бир мақсад йўлида жипслаштириб, жамиятни бирлаштирувчи кучга айланади.

Ўтган ўн йиллик давр миллий истиклол ва Янги Ўзбекистон гоёларининг жамият ҳаётида тўлиқ қарор топишда, юртдошларимизни адолатли ва инсонпарвар давлатни барпо этиш йўлида бирлаштиришда муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев етакчилигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар халқимизнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаб, мамлакатимиз тараққиёти учун янги уфқларни очмоқда.

Албатта, олдимизда турган вазифалар ҳар қачонгидан-да юксак. Уларга эришишдаги энг катта таянч — халқимизнинг бирлиги, бунёдкорлик салоҳияти ва Ватанимиз раънақи йўлидаги умумий интилиш.

Зеро, **“Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва кела-жак яратайлик!”** деган эзгу гоё асосида юртимизда кенг нишонланаётган давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллик шодиёналари қалбларда фохр ва ғурур туйғуларини жўш урдириб, халқимизни янги ва юксак марралар сари руҳлантирмоқда!

